



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 апрель куни Қирғиз Республикаси Президенти Сади́р Жапа́ров билан телефон орқали мулоқот қилди.

«Давлат пенсиялари, нафақалар, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиш соҳасидаги айрим давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий регламентларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Жамшид Қўчқоров Рон ван Руден бошчилигидаги Халқаро валюта жамғармаси делегацияси билан учрашув ўтказди.



Бош прокуратурада Халқаро валюта жамғармасининг Ўзбекистон бўйича миссияси раҳбари Рон ван Руден бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида учрашув бўлиб ўтди.



Ўзбекистон икки ойда 114 миллион долларлик мева ва сабзавотлар экспорт қилди. Бу ҳақда Давлат статистика қўмитаси маълумот берди.

«Темур тузуклари»дан

КУЧ – АДОЛАТДА

Улуғ Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти, сиёсати ва тузуклари бугунги ҳаётимизда ҳам ўзига хос андоза вазифасини ўтайди. Негаки, давлатни оқилона ва одилона бошқариш санъати баён этилган «Темур тузуклари» бугун ҳам ўзининг чуқур мазмун-моҳияти ва долзарблигини йўқотмаган, аксинча, ҳаётий жабҳаларда маънавий мезон бўлмоқда. Амир Темур шахсий ҳаётида уч мўътабар асос – диёнат, адолат ва қатъият билан амалга оширилган сиёсатга таянган. Куйида «Темур тузуклари»дан парчалар келтирамиз.

Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг айла-масин деб.

Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим.

Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

Кенгаши икки турли бўлур: бири – тил учида айтилгани, иккинчиси – юракдан чиққани. Тил учида айтилганини шунчаки эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қўлоғига қуярдим ва дилимга жойлардим.

Ҳар кимдан кенгаши олдим, ҳар кимдан фикр ўргандим: қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгли хазинасида сақлаб, ишлата билдим.

Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим. Уларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини ўтinding. Дарвеши, фақир ва мускинларни ўзимга яқин тутдим, уларнинг кўнглиларини оғритмадим ва ҳеч бир талабларини рад этмадим. Бузуқи ва оғзи шалоқ ғийбатчи одамларни мажлисима йўлатмадим, сўзларига амал қилмадим. Бирор кимсага туҳмату ғийбат қилсалар, қўлоқ солмадим.

Қиличим ўткир бўлса-да, ўйлаб қиндан чиқардим, ширин сўз айтиб, ғанимнинг имон топиғига йўл очдим.

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-миңглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

Келгуси сонларда ўқинг...



СЎХ ТУМАНИ УЧУН АЛОҲИДА НОМИНАЦИЯ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

Одамларнинг оғирини енгил қилиш, улар ҳаётдан рози бўлиб яшашида раҳбарларнинг қўйи бўғинга тушиб ишлаши яхши самара бермоқда. Энг чекка ҳудудлар, маҳаллалардаги мулоқотларда кўплаб муаммолар ўз ечимини топмоқда. Асосийси, бу аҳолининг кайфиятига ижобий таъсир этиб, турмуш даражаси яхшиланмоқда.



Фарғона вилояти Сўх тумани аҳоли бугунги кунда улкан янгиланишлардан, бунёдкорлик ишларидан мамнун. Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди ва давом этмоқда. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Озода Парпибаева, вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Сўх туманида бўлиб, барпо этилаётган янги ижтимоий объектлар ва амалга оширилаётган лойиҳаларни кўздан кечирди, аҳоли билан мулоқот қилди.

>> 2

Хайрия акцияси

Саховат ва меҳр-мурувват



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши Учқўрғон туманидаги 46-махсус мактаб-интернатда «Касаба уюшмалари – ёшларга!» шиори остида хайрия тадбири ўюштирди.

Акция доирасида ушбу масканда таълим олаётган битирувчиларга муқим иш ўринлари яратиш зарурлиги маълум бўлди. Маълумот учун айтиш жоизки, ўтган йили ушбу махсус мактаб-интернат 21 нафар битирувчисининг Наманган вилояти Карлар жамаияти қирғонига ишлаб чиқариш корхонасида тикувчилик йўналиши бўйича бандлиги таъминланган.

Орзуғул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»

«Ishonch» саволи

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига!

Ёшларга эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшлар орасида китобхонликни тарғиб қилиш бугунги кунинг долзарб масаласига айланди.

Сон бор, сифат-чи?

Хусусан, давлат раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг тўртинчиси айнан ёшлар маънавиятини юксалтиришга, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган. Яратилаётган имконият доирасида давлат ва нодавлат нашриётлар томонидан турли йўналишдаги китоблар чоп этилмоқда. Бу яхши, албатта. Аммо масаланинг бир оғрикли томони ҳам бор: ўқувчилар ҳуқуқа ҳавола этилаётган китобларнинг баъзилари талабга жавоб бермапти. Гўё соҳада фаолият юритаётган баъзи ишбилармонлар сифатга эмас, сонга ургу бераётгандек... Ҳар ким истаса, ақли етса-етмаса, китоб бизнеси билан шуғулланипти. Юқоридagi мулоҳаза нечоғли ҳақиқатга яқинлигини билмоқчи бўлсангиз, исталган китоб дўконга кириг-да, охириги йилларда чоп этилган махсусотларга разм солинг, исботини кўрасиз. Тахририятимиз бу борада бир неча маротаба бонг уриб, танқидий ва таҳлилий мақолалар эълон қилди. Улар орасида ижтимоий тармоқларда турли муҳокамаларга сабаб бўлганлари ҳам йўқ эмас. Жумладан, «Шайтон мойи сотилади», «Титилиб... тикилиб ётган «Алифбе» ёхуд бир чоракка ҳам чидамаётган дарсликлар», «Китобдан қўлингни торт, саводсиз» каби долзарб мақолалар шулар жумласидан. Аммо ушбу чиқишларга жавобан соҳа мутасаддилари томонидан бирон чора қўрилгани, нашриётларга кўрсатма киритилгани ҳақида эшитмадик. Хўш, бундай ҳолатни Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги қандай изоҳлайди? Ахир китоб чоп этаётганларни назорат қилиш уларнинг бирламчи вазифаси эмасми? Агентлик қачонгача вазиятнинг оддий томошабини бўлиб тураверади? Хўжақўрсинга қилинаётган ишлар охир-оқибат қимматга тушмаслигига кафолат борми? Ахир гап бутун бошли авлоднинг эртанги куни ҳақида кетмоқда!

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»



СЎХ ТУМАНИ УЧУН АЛОҲИДА НОМИНАЦИЯ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

❖ 1 Меҳмонлар дастлаб тумanning Истиклол маҳалласи ҳудудида 4,9 гектар майдонда бунёд этилаётган, лойиҳа қиймати 29 миллиард сўм бўлган замонавий болалар оромгоҳи қурилиши билан танишди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси жорий йил 1 июнгача фойдаланишга топширилиши режалаштирилаётган оромгоҳни йил давомида доимий фаолият олиб боровчи масканга айлантириш, дам олиш билан бирга соғломлаштириш жараёнларини ҳам ташкил этиш бўйича тавсиялар берди. Бу ерда маҳалла оқсоқоллари би-

лан суҳбатлашилди. Нурунийлар учун замонавий сиҳатгоҳ ҳам барпо этишга киришилаётгани қайд этилиб, келгуси йил бу маскан ҳам фойдаланишга топширилиши маълум қилинди. Тумanning «Жавпая» массивида ўзлаштирилаётган майдонларда иссиқхоналар қурилиши жараёнлари бориб кўрилди. Меҳмонлар ҳудуддан ер майдони олган фуқаролар ҳамда ҳокимнинг маҳалладаги ёрдамчилари билан мулоқот қилди. Қисқа муддатда ўнлаб 10 сотихли иссиқхоналарда қурилиш ишлари якунланиб, лимон кўчатлари ўтказилгани, ораларига помидор, бодринг, қалампир

ва қарам экинлари экилгани уларнинг эътиборини тортди. Туман маданият марказида ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ҳамда фаолиятини бошлаган хотин-қизлар фаоллари, шунингдек, жамоатчилик вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Самимий мулоқот шаклида ўтган учрашувда очиқ танловлар асосида ишга қабул қилинган 27 нафар хотин-қизлар фаолларига Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ноутбуклар совға қилинди. Қудратилла Рафиқов ўтган йилдан

буён Касаба уюшмалари куни муносабати билан турли соҳа вакиллари ўрта-сида ўтказилаётган республика танловида Сўх тумани учун алоҳида номинация жорий қилинишини маълум қилди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ҳамда хотин-қизлар фаоллари орасида йил давомида энг яхши натижага эришган 3 нафари автомобиллар билан мукофотланиши, биринчи ўрин учун «Ласетти», иккинчи ўрин учун «Кобальт», учинчи ўрин учун «Спарк» автомобили тақдим этилиши белгиланди. Вилоят ҳокимининг тақлифи билан бу махсус номинацияда Риштон туманининг Чўнғара ва Фарғона туманининг Шоҳимардон, Ёрдон маҳаллалари вакиллари фаолияти ҳам баҳолиниши маъқулланди.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА Мухбири



Жамоа шартномаси – амалда!

Жиззах вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси касаба уюшма кўмитаси тасарруфидаги 16 та корхона ва ташкилотда 1 минг 257 нафар касаба уюшма аъзоси мавжуд. Шундан 232 нафари 30 ёшгача бўлган ёшлардир. АЙНИ ВАҚТДА тизимдаги корхона ва ташкилотларда 2020-2022 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2021 йилда бажарилиши бўйича йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.



ФАОЛИЯТГА ИЖОБИЙ БАҲО

Наманган шаҳридаги «ЎзЧасис» масъулият чекланган жамиятида жамоа шартномаларининг бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Корхона ишчи-ҳодимлари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий ҳужжат – жамоа шартномасининг янгиланиши ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан ўтказилган конференцияда 57 нафар делегат иштирок этди.

Конференцияда корхона ишчиларига яратилган шарт-шароитлар, меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ масалалар, ҳодимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдиришга қаратилган бандлар бўйича касаба уюшмаси раиси Абдурахмон Маҳмудовнинг ҳисоботи тингланди. Жамоа шартномасида белгиланган бандлар бўйича ўтган йилларда амалга оширилган ишларга ижобий баҳо берилди.

Баҳс-мунозаралар асноси йиғилганлар томонидан иш бевувида ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вакилига тақлифлар билдирилди.

Конференцияда Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ҳодимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Шокиром Исроилов қатнашди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур корхона 2008 йилда фаолият бошлаган бўлиб, айни пайтда 630 нафардан зиёд ҳодим ишлаётди. Автомобиллар учун 50 хилдан ошиқ фара ҳамда фанарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона маҳсулотларига «Ўзавтомоторс» корхонаси ҳамда Россиянинг «АвтоВАЗ» заводи асосий харидор ҳисобланади.

Орзуғул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»



ЁДДА ҚОЛАРЛИ КУН

Нукус шаҳридаги 1-сонли республика руҳий ва неврологик диспансерида спартакиада ўтказилди.

«Спорт – саломатлик гарови» шиори остида ташкил этилган мусобақада меҳнаткашлар минифутбол, стол тенниси, шашка, дартс, гиря тошини кўтариш, арқон тортиш каби спорт турлари бўйича куч синашди. Спартакиадада диспансерда фаолият олиб бораётган 70 нафардан ортиқ ҳодим иштирок этди. Якунда ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Есимхон ҚАНОАТОВ,
«ISHONCH»



Сирдарё вилояти

СПОРТНИ ОИЛАМИЗ БИЛАН СЕВАМИЗ

«Sirdaryo IES» АЖ касаба уюшма кўмитаси ишчи-ҳодимлар оилалари ўртасида «Спорт – мустақам оиламиз пойдевори» деб аталган мусобақа ўтказди. 12 та оилавий жамоа иштирок этган баҳслар ўта қизғин кечди. Якуний натижаларга кўра, 1-ўринни Бобокалоновлар оилавий жамоаси қўлга киритди. Ҳаққуловлар ҳамда Раҳматовлар оилавий жамоалари кейинги ўринларни банд этишди.

Мусобақада «Энг фаол оила», «Энг чаққон оила», «Энг аҳил оила» ва «Ғалабага интилиши юқори оила» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Оилавий жамоаларнинг барчасига корхона касаба уюшма кўмитасининг рағбатлантирувчи совғалари топширилди.

Қамол МУСАЕВА,
«Sirdaryo IES» АЖ бошланғич
касаба уюшма кўмитаси раиси

Хоразм вилояти

Таҳлил

Донорлар ҳуқуқлари ҳимояланган

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан юртимиз бўйлаб ўтказилган «Қон топшир – ҳаёт инъом эт» донорлик акциясида минглаб касаба уюшма аъзолари ҳам фаол иштирок этди.



Шу ўринда савол туғилади: хўш, қон топшираётганлар бирон-бир имтиёзга эгами? Уларнинг ҳуқуқлари кафолатланганими? – «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги қонунга кўра, қон ва унинг таркибий қисмларини тиббиёт эҳтиёжлари учун топшириш ихтиёрийдир, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Музаффар Отабоев. – Қонуннинг 15-моддасида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасидаги мажбуриятлари кўрсатилган бўлиб, бошлиқлар тиббий кўрикдан ўтадиган қуни ва қон топширадиган қуни донорни унинг муносабатига биноан иш, хизмат ёки ўқиш жойидан соғлиқни сақлаш муассасаларига боришига монеликсиз рухсат бериши (донорнинг шу қунилари иш ёки хизмат жойида бўлмаслиги одамлар ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдиришига, давлат мудоааси, хавфсизлиги ва жамоат тартибининг таъминлаш билан боғлиқ вазифалар бажарилмаслигига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно) айтилган. Бунда донорнинг иш ҳақи сақлаб қолинади.

Донорлар фаолияти қўллаб-қувватланиши ва қон топширувчиларга қатор ҳуқуқлар берилиши бежиз эмас. Ҳар қуни юзлаб юртдошларимиз қон ва унинг таркибий қисмларига эҳтиёж сезади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига кўра, ҳар бир мамлакатнинг қонга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун ҳар 1000 нафар кишига қон топширишлар сони 30 та ва ундан ортиқ бўлиши лозим.

– Донор ўз қони билан инсон ҳаётини сақлаб қолиши мумкин, чунки турли ноёб жарроҳлик амалиётларининг муваффақияти кечмишида, онкологик ва гематологик касалликларни даволашда, баъзан турмуш жараёнларида, бахтсиз ҳодисаларда қон ва унинг компонентларининг аҳамияти катта, – дейди Хоразм вилояти қон қўйиш маркази бош шифокори Ирода Музаева. – Амалга оширилаётган тарғибот ишлари, уюштирила-



ётган акциялар натижасида донорлар сони ошиб бормоқда. Айтайлик, 2020 йилда вилоятда 12 минг нафардан зиёд донор қон топширган бўлса, 2021 йилда қон топширувчилар сони 14 минг нафардан ошди. Улар топшираётган қон минглаб инсонларнинг шифо топишига хизмат қилмоқда.

Марказда донорлар учун барча шароитлар яратилган. Қулай жойларда навбат кутишлари, тиббий кўрикдан ўтишлари мумкин. Қон топширгандан кейин эса донорлар шинам ошхонага тақлиф қилинади.

Қон билан ишлаш тиббиёт ҳодимларидан алоҳида масъулият талаб қилади. Зеро, мутахассис бу жараёнда ўз соғлиғини хавфга қўйиши мумкин. Марказ ҳодимларининг меҳнати қандай муҳофаза қилинмоқда?

– Мутахассисларимиз учун муносиб меҳнат шароитлари яратилган, – дейди марказ касаба уюшма кўмитаси раиси Инобат Дурдиева. – Ҳодимларнинг барчаси гигиена воситалари, тиббиёт анжомлари, махсус кийим-бош, тиббий ниқоб ва қўлқоплар билан таъминланган. Иш жараёнида санитария-гигиена қоидаларига риоя этилиши назорат қилиб боришмоқда. Касб касалликларига чалинишининг олдини олиш, юқумли инфекциялардан ҳимоялаш чоралари кўришмоқда.

Мухаббат ТЎРАБОВЕВА,
«ISHONCH»



Қашқадарё
вилояти

Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг тўрт қаватли биносига яқинлашганимда ҳайрон қолдим: салобатли иморат атрофида аввалги темир панжаралар йўқ! Ижтимоий тармоқларда вилоят ҳокими бир нечта туман раҳбарларини ҳокимликлар бинолари тева-раги темир тўсиқлар билан ўралгани учун танқид қилганини ёзишган эди. Шунда бир воқеа ёдимга тушди: бир кунги Сурхондарё вилояти ҳокимли-гига кирмоқчи бўлганимда икки-уч киши йўлимни тўсган, темир панжаралардан эса ошиб ўтишининг иложи йўқ эди. Ўйланиб қолгандим: ичкарида ўтирганлар нега ўзларини халқдан бунчалик муҳо-фаза қилишади? Нимадан қўрқишар экан-а? Хафа бўлиб, изимга қайтган эдим...

Қаршига келганимда эса қувониб кетдим. Ҳокимлик идора-сига бемалол кириб бордим.

– Китоб туманида туғилганман, – дейди вилоят ҳоки-мининг муовини Акбар Эшонқулов мени очиқ чехра билан ку-тиб олиб. – Кўп йиллар республика «Қишлоқ қурилиш банк»ига раҳбарлик қилдим. Менинг ҳам сиз каби китобга қизиқишим кучли. Тарихий асарларни, Амир Темур ҳақидаги романларни ўқиб чикдим. Қашқадарёга келганимдан буён сонаот, қури-лиш, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳаларида ул-кан бунёдкорлик ишлари амалга оширилишига бошқалар каби ҳисса қўшаётганимдан хурсандман.

Илгари ҳам Қаршига бир неча марта келгандим. Аммо, шаҳарнинг бугунги қиёфасини кўриб лол қоласан, киши. Қисқа вақт ичида юз берган буюқ ўзгаришлар ҳайратингизни оши-ради. Кенг ва теп-текис кўчалар ёнидаги йўлақларда кетаётган инсонларнинг шодон кулгисию юзидаги табассум қувончин-гизга қувонч қўшади. Салкам уч миллионга яқин аҳоли яшай-диган воҳада одамларнинг кўнглини чоғ этиш, уларни рози қи-лиш осонми?

Автомобиль йўллари бошқармаси дарвозасидан кираётга-нимда ҳам мени тўхтатишмади. Айрим вилоятлардаги йирик ташкилотлар эшигига бош суққудек бўлсангиз, пойлоқчилик қилаётган одамлар сизнинг йўлингизни тўсишади, телефонин-гизни олиб қўйишади, ичкаридан рухсат олишгачгина, дарво-задан киришингизга изн беришади.

Бошқа базми вилоятлар бу соҳада ҳам Қашқадарёдан ўр-нак олса арзир экан, дея ўйладим. Ва вилоят иқтисодиёти, фан, маънавият ва адабиёт соҳаларида фидойилик билан хизмат қилаётган ўнлаб кишилар билан гурунглашдим.

Куйида суҳбатларнинг энг муҳимлари билан танишасиз.

ЮРАКЛАРГА ТУТАШ ЙЎЛЛАР

Файзулла ХУДОЙҚУЛОВ,

Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси бош муҳандиси:

– Қашқадарёдаги минглаб километрга чўзилган каттаю ки-чик йўллари вилоятнинг қон томирига қиёслаш мумкин. Бу-гунги кунда иқтисодий ва маданий соҳалардаги ислохотларни амалга оширишда автомобиль йўлларининг роли ва аҳами-яти беқиёслигини тасаввур қилиш учун айрим мисолларни таъкид-лаб ўтишни лозим топдик.

2021 йилда вилоятда 536,6 миллиард сўм маблағ ҳисобига 1205,1 километр автомобиль йўл-лари ва 43 та кўприк қайта қури-лиши ҳамда таъмирланиши мўл-жалланган, умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларини қуриш, қайта қуриш, тўла таъмирлаш, жорий таъмирлаш ҳамда сақлаш ишлари учун 181 миллиард сўм-дан ошққ маблағ ажратилиш, бун-дан ташқари, йил давомида ин-вестиция дастури доирасида 30 миллиард сўм маблағ ҳисобига 12,7 километр узунликдаги автомобиль йўлларида қайта қуриш ишларини, тўла таъмир-лаш дастури доирасида 30 миллиард сўм маблағ ҳисобига 30

ҚАШҚАДАРЁДАН ДУНЁГА ТАНИЛ-ГАН ОЛИМЛАР, ФАН, МАДАНИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ АРБОБЛАРИ ЕТИШИБ ЧИҚҚАНИДАН ФАХРЛАН-САК АРЗИЙДИ. БУГУНГИ КУНДА ҲАМ ВИЛОЯТИМИЗДА МАЪНА-ВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА БИЛИМ ВА МАҲОРАТИНИ ИШГА СОЛАЁТГАН ИНСОНЛАР ОЗ ЭМАС.



Қорақалпоғистон
Республикаси

Жаслиқ посёлкасига яқин жойдаги йўл четида бир қабртош бор. У ерга зиёратчилар гүл эмас, идишларда сув олиб келишади. Мазкур қабртошда «Покорители Устьюрта», «Здесь 19-VII-1956 г. погибла студентка ГГУ Елена Серебровская» деб ёзилган. Қабртош қошидаги лавҳа эса «Елена!!! Мы продолжили твоё дело, освоение Устьюрта. В/Ч Оренбурга. 01.09.2007 г.» деган ёзувлар битилган.



САХРОДА
СУВ ИЗЛАБ...

кетганлар қайтиб келганида, қиз автомобилда бўлмади. Узоқ қи-дирувдан кейин қизнинг жонсиз танаси битта ўрадан топилади. Қиз бечора сув қидириб қўли билан ерни кавлайвериш, тирноқлари синиб, қонаб кетган экан... Сахрода сув излаб вафот эт-ган божхона ходимининг тақдирини ҳам шунга ўхшаш. Хизмат сафари билан Устьюртда чегара худудла-рини назорат қилиб юрган Қо-рақалпоғистон Божхона бошқар-маси ходими автомобилнинг ёнилиши тугаб, аҳоли яшайдиган яқин худудга пиёда бормоқчи бў-либ, йўлга чиқади. Икки кунга мўл-

жаллаб олиб чиққан суви тугаб қолади. Яқин атрофда одам бо-ласи кўринмасди. Тўртинчи куни божхона хизмати майори Аман Қидиров сувсизликка чидай ол-май, тақирда тўпганиб қолган шўр сувни ичиб қўяди. Лекин ёнидаги йўлдошига бермайди: «Йўқ, ичма, ўласан!» дейди. Шўр сув Аманнинг соғлиғини ёмонлаштиради ва у кўп ўтмай ҳаёт билан видолашади. Омон қолган божхоначи эса бор кучи билан олға силжийверади. Нукусдаги офисда қолганлар касбдошларининг белгиланган вақтда келмаганидан хавотирла-ниб, изидан қидириб чиқади ва



Бунёдкорлик насимллари

километр узунликдаги автомобиль йўлида капитал таъмир-лаш ишлари олиб бориш режалаштирилган эди.

Юқорида таъкидланган режалар ва мўлжалланган ишлар муваффақиятли амалга оширилганидан хурсандмиз.

Жамоамиз фаолияти хусусида гап кетганда, бундан мисол-ларни яна кўплаб келтириш мумкин. Уларни амалга ошириш ҳазилакам иш эмас. Аммо бошқармаимиздаги ташаббускор ва жонкуяр кишиларнинг меҳнати туфайли ойлик ва йиллик ре-жалар доимо ошиғи билан адо этилаётир.

ИЛМСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Дамин ТЎРАЕВ,

Қарши давлат университети профессори:

– Қашқадарёдан дунёга танилган олимлар, фан, маданият, адабиёт ва санъат арбоблари етишиб чиққанидан фохрлансак арзийди. Бугунги кунда ҳам вилоятимизда маънавият ва маъ-рифат тараққиёти йўлида билим ва маҳоратини ишга солаётган инсонлар оз эмас.

Истиқлол турли тармоқлар сингари фан соҳасида заҳмат чекаётганларга ҳам истиқбол йўлларини очиб берди. Буни биргина ўзимнинг фаолиятим мисолида очиқ-ойдин кўриб ту-рибман. Бир неча йиллик изланишларим натижаси – «Маъна-вий олам талқинлари» адабий-танқидий мақолалар тўпламиим нашр этилди. Ундан бугунги наср ва шеърятдаги ўзига хос-ликлар ҳақидаги тадқиқотларим ўрин олди. Бундан ташқари, «Рангин тасвирлар жилоси» деб номланган монографиям ўқувчилар томонидан илик қўтиб олинганидан мамнунман.

МАЪНАВИЯТ ВА ИҚТИСОД – ИККИ ҚАНОТ

Хусниддин КАМОЛОВ,

Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлугининг муовини:

– Жамоамизда 2 мингдан ошққ киши меҳнат қилаётир. Белгиланган дастурлар ҳамда ҳар ойга белгиланган режалар ортиғи билан уйдаланаяётгани туфайли иқтисодий соҳада муаммолар деярли йўқ. Ишчилар ва инженер-техник ходимлар ҳар ойда маош-ларини олиб туришибди. Бундан ташқари, иш сифати ва самарадорлигига эришаёт-ган кишилар моддий жиҳатдан рағбатлан-тириляётир. Меҳнат аҳлининг самарали ишлашлари учун қулай шароитлар яратил-гани диққатга сазовордир. Бу борада касаба уюшмасининг роли бекиёсдир.

Инсон ҳаётида иқтисодиёт ва молиявий жиҳатнинг роли муҳимлиги сир эмас. Аммо мен аҳамияти бундан-да кам бўл-маган маънавият ҳақида сўзламоқчиман. Тўғри, ходимлари-

миз миллионлаб сўм маош олишаётир. Аммо, иқтисодиёт бил-лан бир қаторда, маънавиятни ҳам ёддан чиқарганимиз йўқ. Жамоамиз раҳбари Бекмурод Раҳимовдан тортиб Шаҳрисабз-лик ҳамкасбим Убайдулла Азизовгача маънавий-маърифий

ишларни янада яхшилашга жиддий эътибор билан қараётир. Жойларда маънавият хоналари ташкил этилган. Ундан китоблар, журналлар ўрин ол-ган. Шу йилнинг ўзидаёқ маънавият ва маърифат хонаси учун бир неча мил-лион сўмлик бадий асарлар сотиб олишни режалаштирганмиз. Мақсади-миз – яхши меҳнат қилган киши асар-лардан завқ олсин, театрга тушсин, са-наторийларда дам олсин, юртимизнинг қадимий шаҳарларига саёҳатга чиқсин, санъатдан маънавий озиқ олсин, хул-лас, яхши ҳордиқ чиқарсин. Жамоа-мизда бу каби ишлар яхшиланишида касаба уюшмасининг роли ва аҳамияти катта бўлаётганини алоҳида қайд этиш керак.

ИФТИХОР

Жумақул ҚЎРБОНОВ,

«Ўзбекнефтегаз» акциядорлик жамияти бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси раиси ўринбосари, ёзувчи:

– Узоқ йиллардан буён касаба уюшмаси соҳасида хизмат қилаётган бўлсам-да, адабиётга ихлосим баянд. Айрим ҳол-ларда жойларга бориб, ижодий кечалар, вилоятлардаги юзлаб мухлислар билан қизғин суҳбатлар ўтказиб тураман. Учрашув-ларда таниқли адиб ҳамкасбларимнинг ижод хусусидаги қи-зиқарли гурунглариини мароқ билан тинглайман.

Кўп йиллардан буён насрда ижод қилиб келяпман. «Қо-ракўз», «Чорраҳа», «Дард» сингари қисса ва ҳикоялар китобла-рим чоп этилди. Бундан ташқари «Сардоба» роман-трилогия-ни нашр эттиришга муваффақ бўлдим. Айни пайтда ҳам турли жанрлардаги бадий асарлар яратиш устида ишлаяпман. Шу билан бирга, сиёсий фанлар номзоди сифатида турли маъна-вий-маърифий тадбирларда иштирок этяпман.

Ҳозирги пайтда мен истиқомат қилаётган вилоятда фидойи инсонлар ташаббуси билан бунёдкорлик ишлари амалга оши-риляётганидан, ўнлаб ижодкорлар ҳамда фан ва маданият ар-боблари билан мазмундор учрашувлар ўтказиляётганидан қуво-ниб кетаман.

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ

Ўроз ҲАЙДАР,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими масъул ходими:

Устюрт ҳикоялари

уларни олтинчи кун деганда базўр топади – биттасини жонсиз, ик-кинчисини чалажон ҳолда.

Сахрони яхши биладиганлар, биринчи навбатда, сув танқисли-гини ўйлайди. Масалан, сув захи-раси ҳамда бир нечта катта товоқ ва целлофан олиб юради. Товоқ ва целлофаннинг сувга нима алоқаси бор, дерсиз?

Товоқ юзига целлофан кийди-рилса, кун давомида товоқ ичига анча сув йиғилиб қолар экан. Ис-сиқхона ичи буғланиб, тепадан сув томчилаб туради-ку, бу ҳам худди шундай экан.

Овчиларнинг усули эса бош-қача. Устюртта чиққанда, улар белгиланган жойларга сув қуй-илган идишларни яшириб кети-шади. Бирор кор-ҳол юз берса, шу сувлар мадад бўлади. Куннинг мис қайнайди даражадаги ис-сиқларида ҳам офтоб урмаслиги учун бошига, устига қалин кийим-лар кийиб олишади. Қишлоқдош-ларига овга кетаётганини айтиб, «Агар фалон куни қайтиб келма-сам, қидириб чиқарсиз», дея йўна-лишларини кўрсатиб кетади.

Мабодо бешафқат сахрода транспортни бузилиб қолиб кет-гудек бўлса, шу жойда бурканиб ётиб қолади. Қачон изидан одам келмагунча, битта жойдан қимир-ламайди. Ҳа, бу Устюртда сувсиз қолиб кетганда қўлланиладиган усул.

Юриб кетсанг – тамом. Юрган одам чанқайди, офтоб уради, йўл-дан адашади ва ваҳима босади. Ваҳима эса жуда қаттиқ чанқа-тади...

Есимхон ҚАНОАТОВ,
«ISHONCH»

Юрт манзаралари

– Сўнгги йилларда вилоятимизда адабий муҳит, ижодий жа-раёнлар анча жонланди, Қашқадарёда яшаётган шоир-ёзувчи-лар бир-биридан сара, бадий жиҳатдан пишқ-пухта асарлар яратишди, яратишмоқда. Қолаверса, вилоят ҳокими Муроджон Азимов ижод аҳлига ўзгача эътибор қа-ратиб келмоқда, уларни ҳар томон-лама қўллаб-қувватламоқда. Ҳоким-лик ташаббуси билан қашқадарёлик адиблар ижоди жамланган икки жилд-лик «Зумрад воҳа насимллари» номли баёз нашр этилгани ижодкорлар учун ажойиб туҳфа бўлди.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида Қарши шаҳри марказида ви-лоят ҳокимлиги ташаббуси билан Ўз-бекистон Ёзувчилар уюшмаси, респуб-лика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда вилоят Нурунийлар кенгаши учун янги ва замонавий кўринишдаги бино фойдаланишга топширилди. Унда барча шарт-шароитлар яратилган. Ростини айтсам, мазкур би-нони уюшманинг вилоят бўлими жойлашган аввалги маскан билан солиштирганда, ер билан осмонча фарқи бор, десам ҳе-чам муболага бўлмайди.

Адабиётга эътибор – келажакка эътибордир. Мазкур сўзлар-нинг амалий ифодасини бугун кўриб ва ҳис қилиб турибмиз.

...Қашқадарёдан қайтаётганимда қадим Чироқчининг, сўнгра эса Шаҳрисабз ва Китобнинг кенг ва равон йўлларида-н ўқдек учиб бораётган машина ойнасидан атрофга кўз югуртир-дим. Хамма жойда янгилаиш, яшариш. Ҳатто қишлоқлар ҳам қурилиш майдонига айланган. Воҳанинг меҳнат аҳли ҳар бир соҳада фаоллик кўрсатишаётгани, бунёдкорлик ишларини бир зум ҳам сусайтирмасдан давом эттиришаётгани қувонарлидир. Иқтисодиёт ва маънавият Қашқадарё воҳасининг ҳам қон томирларига айланган. Бу қон томирлари эса воҳанинг бутун вужудига ҳаёт бахш этаётир. Фидойи инсонлари билан гурун-глашиб қайтар эканман, истёвдодли шоир Рустам Мусурмон-нинг куйидаги шеъри ёдимга тушди.

Ҳаводан олача тўқийди кўёш,
Томчилардан маржон асайдн ёғмир.
Юрагини лола эптар тоғу тош,
Кўпқари чопадн ер-қора бағир.
Бандидан узилар узум олтин бош,
Ҳўқизнинг шоҳига қўйилар чоғир.
Бодомни абадий севар харсанг тош,
Кўпқари чопадн ер-қора бағир.

Жовли ХУШБОҚ,
Ўзбекистон ёзувчилар
уюшмаси аъзоси



Долзарб мавзу

СУМКАНГ БУНЧА ОҒИР, БОЛАЖОН?

Қизининг сумкасини кўтариб кўрган Наргиза ҳай-рон бўлиб сўради: «Тош солиб олганмисан ичига?». – «Йўқ, бугунги дарсликларим» – деди Севинч кўз-ларини пирпиратиб.

Ростдан ҳам сумкада атиги тўрт дона китоб, дафтар ва бошқа ўқув қуроллари бор экан. Наргиза синчаладек қизига ҳарсангдй юкни кўтар-тиришга кўзи қиймай сум-кани ўзи елкасига осганча мактабга жўнади.

Қизиқ, хорижлик ўқувчилар дарслик-ларнинг барини их-чам ноутбукларга жойлаб олишган. Биз эса бугун оғир китоб-ларни кўтариб, мак-табга кетаётган болала-римизни жимгина куза-тамиз. Аслида бошланғич синф ўқувчиларининг китоб-лари нега бунчалик оғир?

Вазирлар Маҳкамаси-нинг 2015 йил 3 июндаги қар-ори билан тасдиқланган Таъ-лим муассасалари учун хавф-сиз полиграфия маҳсулотлари ҳақидаги умумий техник регла-ментида нашр вазни 1-4-син-флар учун 300 гр., 5-6-синфлар учун 400 гр., 7-9-синфлар учун 500 гр.дан ошмаслиги керак, деб кўрсатиб ўтилган. Оғир-лиги 600 граммдан ортиқ ки-

тоблар эса фақат кутубхонада фойдаланиш учун мўлжаллан-гани белгиланган.



– Яқинда ўзим учун текши-риб кўрдим, 2-синфда ўқий-диган қизимнинг вазни 28 ки-лограмм, сумкасининг умумий оғирлиги эса 4,5 кило экан, – дейди Моҳиғул Абдуллаева. – Бола вазнига қараб сумканинг оғирлигини белгилаш лозим-лиги ҳақидаги шифокорлар тавсиясидан хабарим бор. Бо-ламнинг танаси метёрида ри-

вожланишига бу оғир юкнинг салбий таъсир қилишидан ха-вотирдаман.

– Боланинг оғир сумка кўтариб юриши чарқоқ, хол-сизлишига сабаб бўлади ва юрак тизимининг нормал фао-лиятига салбий таъсир кўрса-тади, – дейди Бухоро вилояти болалар кўптармоқли тиббиёт маркази ортопед врачни Зокир Кўйиқов. – Бола вазнига но-мутаносиб оғирлик ско-лиоз касаллигининг ен-гил шакли, қоматнинг нотўғри ривожлани-шига сабаб бўлади. Умуртқа поғонаси, бел ва кўкрак соҳа-ларида орғиқ, елка ва куракнинг қийшай-шига, умуман, икки-ламчи умуртқа поғонаси касалликларига олиб келади. Мен шифокор сифатида мак-табларда бошланғич синфлар учун махсус китоб жавон-лари ташкил этилиши ва ўқув қуролларининг аксариятини мана шу жавонларда сақла-ниши тарафдориман.

Умид қиламизки, бу маса-лани Халқ таълими вазирлиги ҳамда ноширлар эътиборсиз қолдиришмайди.

Дилдора ИБРОҲИМОВА,
«ISHONCH»



Бошловчи: – Ассалому алайкум, барча-барчага! Ассалому алайкум, азиз мухлислар! «Серсаломлар» радиостудияси ўз эшиттиришларини давом эттиради.

Диққат қилинг, эфирда – «Ўҳ-хў» эшиттириши. Бугунги меҳмонимиз эстрадамиз осмонда порлаётган юлдузлардан бири, хонанда Водариг Ҳайҳот. Бизнинг эшиттиришни нарх-наводан ҳам, об-ҳаводан ҳам қизиқарли деб биладиган, азиз мухлислар, бизда ҳозир реклама вақти. Тил қоидаларига умуман амал қилмайдиган, асабга ўзи тегмаса ҳам, шамоли тегиб ўтадиган антиқа реклама ва эълонлардан сўнг эшиттиришимиз давом этади. Яхши кайфият соғлиққа, яхши реклама чўнтакка фойда. Биз билан қолинг.

Бошловчи: – Ассалому алайкум, яна бир бор барча-барчага. Қисқа рекламадан сўнг биз яна эфирдамиз. Бизнинг радиотўлқинларга эндигина уланган мухлислар учун эслатиб ўтамиз, сиз «Ўҳ-хў» эшиттиришини тинглайсиз. Ўзингизга маълумки, биз студиямиз меҳмонига қатор саволлар билан мурожаат қиламиз. Агар берилган жавоблардан камида бештасига махсус дастурланган компьютер «Ўҳ-хў» деб юборса, эшиттириш якунида суҳбатдошимиз антиқа совғага эга бўлади. Демак, бизнинг бугунги меҳмонимиз – одамни хит қиладиган хит қўшиқлар ижрочиси Водариг Ҳайҳот.

Ассалому алайкум, студиямизга хуш келибсиз!

В.Ҳ.: – Валейкум салом.

Бошловчи: – Демак, биринчи савол ва ўйлаيمانки, бу саволнинг жавоби кўпчиликка жуда қизиқ. Нега шу... таҳаллусингиз Водариг Ҳайҳот? Нима, бошқа

ном қуриб кетганмиди?

В.Ҳ.: – Биласми, таҳаллус проста так қўйилмаган-де. Кўп ўйлаганмиза, маслахатлаганмиза и охирида шу номни қўйганмиза. Бунга сабаб шуки, ман эстрадада ҳали енгиман, жа унчали популярниймасман. Шунчун манга тўйларда кечро новбат беришади. Тоист, манга очеред кеганда кўпчили «ўчиб қоган» бўлади. Бунақа вохтлада одамлани эътиборини тортиш керем, кере. Энди ўзиз тасаввур қилинг, шундай вохтда ўр-такаш ўртага чиқиб, микрофонда баланд товушда эълон қилади: Водариг Ҳайҳот! Звучитми, звучит. («Ўҳ-хў»)

Бошловчи: – Тушунарли. Демак, ном одамларнинг эътиборини тортиш учун ўйлаб топилган экан-да. Мана, биринчи «Ўҳ-хў» ҳам янгради. Кейинги савол: санъат оламига қандай кириб келгансиз?

В.Ҳ.: – Тўғри кириб келганман. Адам «Қўлингдан бир иш кемиди» деб нукул замечания берарди. Ўйлаб кўриб, охири қўшиқчи бўлишга қарор қилдим. Шу...

Бошловчи: – Оилангизда санъаткорлар борми?

В.Ҳ.: – Да, бор. Адамла бир қанча кино ва сериалларда роль ўйнаганла.

Бошловчи: – Масалан, қайси фильмларда?..

В.Ҳ.: – Масалан, анув «Темир хотин» деган кино бор, ўшанда Бозоровой ролини ўйнаганла (компьютердан «Ўҳ-хў» сабоси эшитилади).

Бошловчи: – И-е, қизиқ-ку, дадангиз ўша фильмда экранда умуман кўринмай-диган, бозорга кетган Бозоровой ролини ижро этган экан-да? Э, қойил! Хўп, майли, яна қандай образларни жонлантирганлар?

В.Ҳ.: – Хоп, яна исторический сери-

аллада жангда ўлган навкар, дарвоза олдидаги соқчи, современный сериалларда эса, кўчада тўхталган ёкида юриб кетган мошиндаги шоппер ролларини ўйнаганла. Тўлка шу ўйнаган роллари крупний планда олинмаган-де, шунчун хич қайси-нисида юзлари кўринмаган. («Ўҳ-хў»)

Бошловчи: – Ижода қандай янгиликлар бор?

В.Ҳ.: – Биза шу пайтгача ҳеч ким қимаган енгили қилду.

Бошловчи: – Зўр-ку, қанақа янгилик, қани, эшитайлик-чи?

В.Ҳ.: – Биза ҳозир состав билан хизматлага терминал билан чиқвоммиза. Энди мухлислар ўзлари ёқтирган қўшуни нақд пулдамас, пластик карточка билан ҳам заказ қилишлари мумкин. («Ўҳ-хў»)

Бошловчи: – Терминал ишлатиш зўр янгилик бўлибди, яхши. Лекин сиз саволимни сал бошқача тушундингиз, айнан ижода қандай янгиликлар бор?

В.Ҳ.: – Творческий демоқчисиз-де, енгилила кўп. Яқинда енг қўшу қилду, энди унга клип омокчимиза.

Бошловчи: – Мана, бор экан-ку янглик. Шу қўшиқдан бир шингил эшитайлик унда.

В.Ҳ.: – Севган ёрим зўзалларнинг додаси, Оқ фотиҳа берармикан адаси? Гар қўнмаса адаси, кўндирсин-да Холаси, опаси, аммаси – ҳаммиси. («Ўҳ-хў»)

Бошловчи: – Дахшат! Хойнахой, клип ҳам қўшиққа яраша бўлса керак.

В.Ҳ.: – Да, ҳозир шуни устиди ишлавоммиза. Клип учун битта конкрет ҳовли, уч-тўртта «иномарка» и беш-ўнта енг чеҳралар, яъни қизлар қидирвоммиза.

Бошловчи: – Тушунарли. Мухлисларимиздан бири сизга савол йўллабди. Савол қуйидагича: «Сиз Водариг Ҳайҳот бўлмасингиздан илгари «Войдод» гуруҳи солисти эдингиз. Одамларнинг эътиборини тортишга «Войдод» деган ном камлик қилдими? Жавоб учун олдиндан раҳмат».

В.Ҳ.: – Савол учун раҳмат. Бу мухлисимиза мани ижодим билан яқиндан таниш эканла. Да, ман илгари «Войдод»да эдим. Биза анча популярний бўвотувдик, кегин бир музикалний сайт бизадан номимизани сўрашди. Кегин гаплашду, келишду и берворду. Ҳозир ула вобшем қучайиб кетган.

Бошловчи: – Хўп, яхши. Адашмасам, сиз пойтахтга келиб, ижод қилаётганингизга кўп вақт бўлмади. Кўпчиликка теккан касал сизни ҳам четлаб ўтмабди. Яъни, Тошкент шевасида гапириш сизга ҳам юкибди. Хўп, майли. Энди яна бир тингловчимиздан келган саволни ўқиб эшиттираман. Савол: «Айтишларича, сизга маҳалладошларингиз «Томда хизмат кўрсатган тўйтарқатар» деган «ун-вон» беришган экан. Шу унвонингиз ҳақида қисқача маълумот берсангиз, раҳмат».

В.Ҳ.: – Билмадим, нима манга бунақа унвон беришган? Проста, ман болагимда томга чиқволиб, қўшу этардим. Кейинчали вохти-соати билан тўйлага чиқадиган бўлдим. Билмиман, шу нагадир ман қўшу этвотганимда кўпчилик тўйхонадан чиқиб кетарди.

Бошловчи: – Раҳмат, изоҳ учун. Аслида, сиз томдан тушмасдан қўшиқ айтиб юрсангиз бўларкан. Афсуски, соат миллари бизга ажратилган вақт тугаётга-

нини кўрсатмоқда. Марҳамат, мухлисларингизга дил сўзларингизни йўллашингиз мумкин.

В.Ҳ.: – Мани ижодимга бефарқ бўмаган мухлисларга ўзимни қайно саломларимни йўллиман. Улар ҳамиша соғ-саломат бўсин, уйларида тўйла бўсин! Биза хизматда бўлилу.

Бошловчи: – Хурматли Водариг Ҳайҳот, сизни табриклайман. Сиз бешта «Ўҳ-хў»ли бўлдингиз. Бу дегани совға сизники. Марҳамат, совғамизни қабул қилинг.

В.Ҳ.: – (қўлидаги қутичага қараб) Бу совғани очиб кўрсам бўладими?

Бошловчи: – Бемалол, хоҳласангиз – шу ерда, хоҳласангиз – уйда очиб кўриншингиз мумкин.

(Қутичани қувониб очган «Юлдуз»нинг қутти ўчади).

В.Ҳ.: – И-е, пустой-ку. Ҳазиллашвосилами?

Бошловчи: – Нера бўш бўларкан, қутичада иккита нарсас бор – ҳаво ва бўшлиқ. Совға ижодингиз ҳамда жавобларингизга яраша бўлди. Яъни, ҳаммаси ҳавойи ва бўш!

Қадрли мухлислар, бизни тинглаб кузатишда давом этинг. Балки кейинги эшиттиришларда «Ўҳ-хў»лар сони камаяр. Қанийди, камайса, деган яхши ниятда бугунги эшиттиришга якун ясаймиз.

Микрофон қаршисида «Ўҳ-хў»лардан безор бошловчингиз Бедор Башар бўлди.

Азизлар, сизлар билан кейинги дастурларгача хайрлашамиз.

Хайр, ўзингиз учун ўзингизни асранг!

Алижон
АБДУРАХМОНОВ,
«ISHONCH»



Қувноқлар мусобақаси

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови ўтказилди.

«Биз Ўзбекистон келажакка масъулмиз!» шiori остида ташкил этилган мусобақада жамоалар учта шарт бўйича ўзаро куч синашди.

Қизгин ва мурасасиз кечган беллашувда Олмалик кон-металлургия комбинатининг «Божалар» жамоаси ғолиб деб топилди ва уларга диплом ҳамда пул мукофоти топширилди.

Шунингдек, танловда ҳакамлар ҳайъати қарори билан бир қатор иштирокчилар турли номинациялар бўйича ҳам тақдирланди ҳамда кўрик-танловнинг барча иштирокчиларига Хивага бепул саёҳат қилишлари учун йўлланма берилди.

– Корхонамизда ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш борасида кўплаб хайрли ишларни амалга ошириб келмоқдамиз, – дейди «Ўзбекқўмир» АЖ бош директорининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Даврон Абдурахмонов. – Хусусан, уларнинг ишдан ташқари вақтларини мазмунли ўтказиш учун кутубхона, спорт зали ва бошқа қулайликлар яратилган.

Шоира ОХУНЖОНОВА,
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири



Ёшларнинг ҳунар ўрганишга қизиқиши баланд

Боёвут туманидаги 1-сонли касб-ҳунар мактабида «Очиқ эшиклар кuni» ташкил этилди.

Унда ҳудуддаги мактабларнинг 9-синф битирувчилари, уларнинг ота-оналари мазкур масканда 12 та йўналиш бўйича ўргатилаётган ҳунарлар ва махсус хоналарда яратилган имкониятлар билан танишишди.



– Мактабимиз Президентимизнинг 2019 йил 6 сентябрдаги «Касб-ҳунар таълими тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ ташкил этилган, – дейди касб-ҳунар маскани директори Назиржон Хўжанов. – Ўтган давр мобайнида 500 нафарга яқин 9-синф битирувчисини қабул қилдик. Айни кезларда 19 нафар ишлаб чиқариш устасидан дурадгорлик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, чорвачилик, тикувчилик, пишириқлар тайёрлаш, пайвандлаш каби 12 та йўналиш бўйича ҳунар ўрганиб, 24 нафар малакали педагогдан таълим олишмоқда. Келгусида мактабимиз ёнидаги бўш турган биноларда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мар-

кази, тикувчилик цехи очишни ҳам режалаштирармиш. Бу ўқувчиларимиз янада кенгроқ амалий кўникмага эга бўлишлари, баъзилари шу ернинг ўзида ишга жойлашишлари учун хизмат қилади.

Касб-ҳунар мактаби ўқувчилари орасида аллақачон ўз меҳнат фаолиятини бошлаб юборганлари ҳам бор. Масалан, пайвандлаш бўйича таҳсил кўраётган Мирзохид Мирсаидов дарсдан кейин мебель цехида ўз йўналиши бўйича ишламоқда. Автомобиллар кузовини таъмирлаш чилангари йўналишида ўқиётган иккинчи босқич ўқувчиси Анвар Аъзамов ҳам хусусий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган. «Worldskills Uzbekistan» деб номланган касблар чемпионатининг тикувчилик йўналиши бўйича вилоят миқёсида биринчи ўринни эгаллаган Рухсора Хотамова эса эндиликда беллашувнинг республика босқичига ҳозирлик кўрмоқда.

«Очиқ эшиклар кuni»да тумандаги 3-, 8-, 9-, 17- ва 52-мактабларнинг 185 нафар 9-синф битирувчиси қатнашди. Улардан 58 нафари келгусида шу касб-ҳунар мактабида турли йўналишларда ўқиш истеги билдиришди.

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»



ОЛАМНИ МЕҲР ЯШНАТАДИ

Тошкент шаҳридаги Россия давлат педагогика университети А.И.Герцен филиали ходимлари ва талабалари томонидан Яшнобод туманидаги 30-сонли Меҳрибонлик уйда хайрия акцияси ташкил этилди.

Тадбир давомида филиал ходимлари ва талабалари Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан мулоқот уюштирди. Уларнинг яшаш шaroитлари билан яқиндан танишди. Имкон даражасида хайрия ёрдами кўрсатилди.

Хайрия акцияси сўнггида талабалар тарбияланувчилар учун спорт ўйинлари, концерт дастурлари намойиш этди.

Тадбир жуда мазмунли, қизиқарли ўтди.

М.АТАНИЯЗОВА

МУАССИС:

ISSN 2010-5008

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Меҳрибон ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқлиқлар, тақлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоний вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-93) 573-77-14
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтани назардан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Ҳайдаров
Мусаҳҳиж:
Д. Худойберганова
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **20:30**
Топширилди – **20:40**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюрогма **У-5105**
34351 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6
Баҳоси нелишилган нарҳда
Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Алишер Навоий кўчаси 30-уй.
Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТНР: 201133889,
ОКЭД: 58130